

## ШАРТНОМА №146

### ИЧИМЛИКСУВТАЪМИНОТИВАОҚОВАСУВЛАРНИКАБУЛКИЛИШУЧУН

Нуробод шаҳри

«27»январ 2022 йил.

Самарканд вилояти «Иссиқлик манбаи» давлат унитар корхонасининг Нуробод туман филиали, кейинги ўринларда «Таъминотчи» номидан низом асосида иш юритувчи филиал директори З.Бобоёров бир томондан ва Нуробод туман тиббиёт бирлашмаси, кейинги ўринларда «Истеъмолчи» номидан низом асосида иш юритувчи раҳбари А.Абиев иккинчи томондан, қуидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

#### ШАРТНОМА МАЗМУНИ

##### 1.1

Ушбу шартномага мувофиқ 2022 йилда, Таъминотчи Истеъмолчига у томондан аванс тариқасида тўланган сумма доирасида қуидаги хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади:

###### 1.1.1 Қуида кўрсатилган миқдорда сувни етказиб бериш:

Бир ойда  $80\text{m}^3$  Бир йилда  $240\text{m}^3$  1(бир) м.куб ичимлик сувининг нархи 5250сум (ККС билан 6037,50сум) Қуида кўрсатилган миқдорда оқова сувларни қабул қилиш:

Бир ойда  $2302\text{m}^3$  Бир йилда  $6906\text{m}^3$  1(бир) м.куб қабул қилинган оқова сувнинг нархи 2650 сум(ККС билан 3047,50сум).

###### 1.2. Ушбу шартномага мувофиқ Истеъмолчи қуидаги мажбуриятларни олади:

1.2.1 Ўз балансида булган қувур ва иншоотларни ўз хисобидан таъмиглаш ва белгиланган тартибда саклаш.

1.2.2 Сувни тежайдиган замонавий ускуналарини ўрнатган ҳолда ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, сувни мақсадсиз оқизиб қўймаслик, яшил экинларни суғориш, ҳовлиларга сув сепиш ва шу каби бошқа нооқилона мақсадлар учун фойдаланишга йул қўймаслик.

1.2.3 Истеъмолчи курсатилган хизматни қабул қилиш, Молия бошқармаси томонидан тасдиқланган тарифларда кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тутлаш.

1.2.4 Заарсизлантирилмаган сув тармоқларига уланган ҳолатларда, техник шарт талабларига асосан ичимлик сувини ўз хисобидан заарсизлантириш(хлорлаш), сўнгра ичиш максадларида фойдаланиш.

#### 2. ИШЛАР (ХИЗМАТЛАР) КИЙМАТИ ВА ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ.

2.1 Кўрсатилиши кутилган хизматлар учун шартноманинг умумий суммаси 22495035 (Иигирма икки миллион турт юз туксон беш минг уттиз беш) сумни ташкил этади. Истеъмолчи хар ой бошланишидан уч кун олдин бир ойлик хизмат хакининг 100% фоизини олдиндан тулов тариқасида ва хар ойнинг 30-санасигача шу оидаги хизмат хакининг колган кисмини тулайди.

- барча гурӯҳ истеъмолчиларига сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади.

- Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳолларда, мазкур истеъмолчиларга нисбатан белгиланган тартибда сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади;

- Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган шахсларни қайта улашда I гурӯҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида, II ва III гурӯҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

- Истеъмолчи сув истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарининг лозим даражада эксплуатация қилиниши ва созлиги учун жавобгар бўлади.

2.2 Хисоб-китоблар тулов топширикномаси билан пул ўтказиш шаклида амалга оширилади.

2.3 Жорий ойнинг 30-санасигача фойдаланилган энергоресурслар ҳақи Истеъмолчи томонидан туланмаган тақдирда Таъминотчи томонидан хизмат кўрсатиш тўхтатиб қуишига ҳакли. Ушбу ҳолатда ичимлик сувини етказиб бериш ва оқова сувларни қабул қилиш қувурлари тармоқдан узиб қўйилади ва тармоқга қайта уланиш харажатлари Истеъмолчининг қўшимча маблағлари ҳисобидан копланади.

2.4 Истемолчининг айби билан ҳисоблаш ускуналари, қувурлар ва бошқа курилмалар бузилган ёки узиб қўйилган тақдирда улар ишламаган вакти учун тулов олдинги ойда фойдаланилган ҳажмлар миқдорда тўлиқ тўланади. Кўрсатилган хизматлар ҳаки ўз вактида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи тулов амалга оширилган кунда бўлган тарифлар буйича ҳак тулайди.

2.5 Тарафлар ўртасида ҳисоб-китоблар ўрнатилган сув ўлчаш асбобларининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. Истемолчининг сув ўлчаш ускуналари бузилган ёки ноқонуний уланган тақдирда, етказиб берилаётган ичимлик суви ва тармоқга ташланётган оқова сувлар миқдорлари ва тўловлар суммаси амалдаги (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 15-юнодаги 194-сон

қарорига 2-илова Истеъмолчиларга сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидалари) қонун ҳужжатларига мувофиқ хисоблаб чиқлади ва ҳисоб-китоб қилинади.

**2.6** “Таъминотчи” кўрсатадиган коммунал хизматлар учун тарифлар микдори ўзгарган тақдирда, у бу ҳақида Истеъмолчини телефон ёки оммавий ахборот воситалари(маҳаллий газета) орқали хабардор қиласди.

### **3. ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ ВА ТОПШИРИШ КАБУЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.**

**3.1** Таъминотчи ушбу шартномнинг 1-бандида назарда тутилган хизматларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сон қарорига 2-илова Истеъмолчиларга сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидалари асосида курсатиши шарт.

**3.2** Тарафлар хар ойда кўрсатилган коммунал хизматлар учун, ўзаро солиштириш далолатнома имзолайдилар ва бу далолатнома тарафлар ўртасида ҳисоб китобларни амалга ошириш учун асос булади.

**3.3** Истеъмолчи Таъминотчи томонидан кўрсатиладиган хизмат турларининг биридан фойдаланишдан воз кечса, истеъмол килинадиган ичимлик суви ёки тармоққа ташлайдиган оқова сув хажми ўзгартирмоқчи бўлса, бу ҳақида 5 кунлик муддатда Таъминотчини ёзма равишда огоҳлантириши шарт. Хабарномани олган Таъминотчини ҳодимлари ичимлик суви истеъмол килиш ёки оқова сувларини тармоққа ташлаш хизматидан воз кечгандигини тегишли тартибда расмийлаштирган санадан бошлаб, тўхтатилган хизмат турни учун хақ ҳисоблаш тўхтатилади.

**3.4** Истеъмолчи ўз ҳисобида турувчи қувурлар ўтқазилган бинони бошка юридик шахсга ижарага берганда, хар бир нуқта учун хақ тўлаган ҳолда абоноент 1 ойлик муддат ичида ижарага оловчига қайта расмийлаштириши шарт(ижара шартномаси буйича бу харажатларни тушлашни Буюртмачи ўз зиммасига олган ҳоллар бундан мустасно). Бу шартлар бажарилмаган тақдирда Истеъмолчи инженерлик-коммуникация тармоқларидан узид қўйилади.

**3.5** Истеъмолчи курсатилган хизматлардан кониқмаган тақдирда, солиштирма далолатномани олган пайтдан бошлаб 3-кун муддат ичида Таъминотчига ишларни қабул қилишдан бош тортиш ҳақида асослантирилган ёзма раднома юбориши шарт. Истеъмолчининг радномаси асосли деб топилган тақдирда, тарафлар 2 томонлама далолатнома тузадилар ва уларни бажариш ёки бажаришни тухтатиш муддатларини кўрсатадилар.

**3.6** Коммунал хизматларни кўрсатиш жараёнида уларни давом эттириш имконияти йуқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аникланган тақдирда, Таъминотчи бу ҳақида Истеъмолчини Зкунлик муддатда огоҳлантиради ва кўрсатилаётган хизматларни тухтатади.

### **4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

**4.1** Истеъмолчининг мажбуриятлари:

**4.1.1** Шартнома имзолангандан кейин 5 кунлик муддатда ичимлик суви кириш (окова сувларини тармоққа ташлаш) жойларига, яъни мансублик чегарасига ўз ҳисобидан сув улчаш ускуналарини ўрнатиш.

**4.1.2** Бош оқова суви қувурига ташланадиган оқова сувининг кимёвий таркиби буйича меъёрий курсатмаларга амал қилиш ва белгиланган меъёрлардан ошмаслигини таъминлаш.

**4.1.3** Ҳар 4 йилда бир марта(юридик шахслар учун 2-йилда бир марта) сув ҳисоблаш ускуналарини давлат қиёслаш кўригидан ўтказиш.

**4.1.4** Ичимлик суви қувурларини таъмирлаш ва жойлашишини ўзгартириш ва ишларни Таъминотчи тамонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган техник шартлар ҳамда чизмаларга асосланган ҳолда амалга ошириш.

**4.1.5** Юридик манзили ва банк реквизетлари ўзгарган тақдирда, бу ҳақида 3 кун ичида Таъминотчини ёзма равишда хабардор қилиш.

**4.1.6** Ўзбекистон Республикаси президентининг 16.11.2017 йилдаги ПФ -5241-сон фармонига асосан. Сув таъминоти оқава сувни чиқариш тизимларидан илгари узуб қўйилган (ўзбошимчалик билан уланиш, қарздорлик мағжуд булганда ёки шартнома шартлари бажарилмаганда) истеъмолчиларни қайта улашда қуидаги микдорда хақ ундирилади: -хусусий уй-жойларда ва куп қаватли уйдаги хонадонларнда яшайдиган жисмоний шахслардан (1-гурух истеъмолчилардан) -2 ЭКИХ  
-қолган гуруҳ истеъмолчилардан -10 ЭКИХ

**4.2** Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

**4.2.1** Ўз ҳодимлари орасидан ичимлик ва оқова сувларининг сарфи, қувурлар ва қурилмаларнинг ҳолатини назорат килувчи жавобгар шахсни тайинлаш.

**4.2.2** Мазкур шартноманинг бажарилиши юзасидан ҳамда ичимлик суви (окова сувлари ) ва сув улчаш асбобларини текшириш далолатномаларидағи ҳисоб-китоблар билан танишиш юзасидан норози бўлган тақдирда далолатномани олган санадан бошлаб 5 кун ичида эътиroz билдириш.

#### **4.3 Таъминотчининг мажбуриятлари:**

- 4.3.1** Белгиланган стандарт талабларига жавоб берадиган ичимлик сувини етказиб бериш(форсмажор холатлари ва Истеъмолчининг айби билан юзага келган ҳолатлар бундан мустасно).
- 4.3.2** Мансублик чегарасига мувофиқ оқова сувларни тармоқлаш учун тегишли шартшароит яратиш ва қувурларнинг доимий ишга яроқлилигини таъминлаш.(таъмирлаш ишлари олиб борилаётган вақт бундан мустасно)

#### **4.4 Таъминотчининг хукуклари :**

- 4.4.1** Исталган вақтда(06<sup>00</sup>дан 22<sup>00</sup>гача)ичимлик суви (Окова сув) қувурларининг техник ҳолатини ҳамда сув улчаш асбобларини текшириш учун Истеъмолчи тасарруфидаги ҳудудга тўсиқсиз кириш.
- 4.4.2** Истеъмолчи Таъминотчи томонидан курсатиладиган хизматлардан воз кечиши ёки истеъмол қилинган ичимлик суви, оқизилган оқова сувнинг хажми ўзгарганлиги хақида шартномада белгиланган тартибда ва миқдорда хабар бермаган тақдирда, олдинги ойларнинг ўртacha курсаткичлари асосида хақ тулашни талаб қилиш.
- 4.4.3** Ушбу шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар, яъни электр таъминоти тизимидағи кутилмаган узилишлар ҳамда табиий оғатлар вақтида Истеъмолчига курсатилаётган хизматларни қисман камайтириш ёки умуман тулалигича тухтатиш.

### **5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ КИЛИШ.**

- 5.1** Таъминотчи ушбу шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолда у келтирган зарарни Истеъмолчига тулалигича тулаши шарт, лекин бу тулов ушбу шартномада кўрсатилган хизматлар баҳосининг 50%дан ортик бўлиши мумкин эмас.
- 5.2** Таъминотчи ичимлик сувининг таркиби жихатидан белгиланган меъёрларга жавоб бериш учун жавобгардир
- 5.3** Истеъмолчи ичимлик ва оқова сувларидан фойдаланиш коидаларини бузганлик учун амалдаги конун хужжатларига мувофик жавобгардир.
- 5.4** Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги амалдаги конун хужжатларига мувофик белгиланади
- 5.5** Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошка конун хужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
- 5.6** Тарафлар ўртасида келиб чикадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан иқтисодий суди тартибида ҳал килинади

### **6.ФОРС – МАЖОР**

- 6.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табиий оғатлар, нокулай об-хаво шароити, хуқумат тадбирлари, хокимият органларининг қарорлари, харбий низолари, ички тартибузарликлар ва бошқа табиий оғатлар) форс-мажор туфайли бажарили бажирилмаган ёки лозим даражада бажарилмагнилиги исботланса жавобгар булади.
- 6.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Узбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тугрисидаги” ги қонуни ва Узбекистон Республикасининг бошка амалдаги қонунлари талаблари буйича жавобгар булади.

### **7.ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ , ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

- 7.1** Шартнома тарафларнинг ваколатли шахслари тамонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31декабрига қадар амал киласди.
- 7.2** Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартериш ва қўшимчалар томонлар ёзма равищда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда хақиқий ҳисобланади.
- 7.3** Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофик ёки Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, хизматлар ҳаки тўлиқ копланган ҳолда йўл қўйилади.

7.4 Шартнома иккى нусхада тузилади ва ҳар иккиси ҳам бир хил юридик кучга эга, биринчи нусхаси ТАЪМИНОТЧИДА ва иккинчи нусхаси ИСТЕЪМОЛЧИДА сакланади.

### ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

#### ТАЪМИНОТЧИ

«Issiqlik manbai» Davlat unitar korxonasi

Манзил: Нуробод шахри

р/с 20208000900926326003

СИТР – 201328146, МФО: 00939

Банк: ТИФ Миллий Банк Нуробод филиали

Директор: 3.М.Бобоев



#### ИСТЕЪМОЛЧИ

Нуробод туман тиббиёт бирлашмаси

Манзил: Нуробод туман Машъал МФЙ

х/р: 100022860182357073101054001

Банк: Марказий банк Тошкент шахар

МФО: 00014 ИНН: 200777809

Рахбар: А.Абиев



«<sup>07</sup> 01 2022 й. даги  
146 -сон шартномага  
1 - илова

## «Истеъмолчи»нинг сув олиш графиги

	Истеъмол қилинадиган сув ҳажми $m^3$	I квартал	II квартал	III квартал	IV квартал
январь	80	483000			
февраль	80	483000			
март	80	483000			
апрель					
май					
июнь					
июль					
август					
сентябрь					
октябрь					
ноябрь					
декабрь					
<b>Жами:</b>					

## Тъминотчи:

Бобоёров З.М.

(М. Ў. Имзо)



## Истерьмолчи:

A. Huseb

(М.Ю. Имзо)

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY**

**X U L O S A**

- 1. Loyihaning turi:** Shartnomा
- 2. Loyihaning nomi:** Ichimlik suv ta’mиноти ва оқова сувларни қабул қилиш то‘г‘рисида.
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:**

Nurobod tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 27.01.2022 yilda Nurobod tuman yuridik xizmat ko‘rsatish markaziga yuridik xulosa olishlik uchun kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni қабул қилиш мақсадга muvofiq.

2022 yil 28 yanvar

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi**

**boshlig‘i**

**O.Yusupov**

